УДК 18:17.7:329.008

ШАРҚ ВА ҒАРБ ФАЙЛАСУФЛАРИ ҚАРАШЛАРИДА АХЛОҚИЙ-ЭСТЕТИК КАТЕГОРИЯЛАР ТАҲЛИЛИ

(Абу Ҳомид Ғаззолий ва Иммануил Кант қарашлари мисолида)

Ф.Ғ. БОЗАРОВА

Мақолада Абу Ҳомид Ғаззолий ва Иммануил Кант ахлоқий эстетик қарашлари илмий-фалсафий жиҳатдан ўрганилди. Мусулмон Шарқи ва Ғарб тамаддуни даҳоларининг илмий меросига миллий маданий меросимизни чуқур ўрганиш долзарблиги, умуминсоний ва замонавий цивилизация тарихида тутган ўрни ва ролига холис баҳо бериш нуқтаи назаридан ёндашилиб, Шарқ ва Ғарб фалсафий тафаккури тарихидаги маданиятлараро мулоқот асосидаги илмий ривожланиш тенденциялари очиб берилди.

Калит сўзлар: *Ғарб тамаддуни, Шарқ ренессанси, трансцендентал, априори, апостериори, гўзаллик ва улуғворлик, уйғунлик, эстетик завқ.*

В статье с научно-философской точки зрения изучаются этико-эстетические взгляды Абу Хамида Газзали и Иммануила Канта. К наследию гениев Востока и Запада осуществляется научно-философский подход, исходя из актуальности глубокого исследования национального наследия, определения объективной оценки его места и роли в современной цивилизации; выявляются тенденции научного развития на основе межкультурного диалога философского мышления Запада и Востока.

Ключевые слова: *западная цивилизация, восточный реннесанс, трансцендентальность, априори, апостериори, прекрасное и возвышенное, гармония, эстетическое удовольствие.*

Миллий ва умуминсоний маданиятлар уйғунлиги юксак тараққиёт гаровидир. Ҳеч биримизга сир эмас, Шарқ ва Ғарб ўртасида ҳамиша ўзаро алоқадор ва самарадор мулоқот ўрнатишга уриниш устувор аҳамият касб этган. Ўрта асрларда мусулмон Шарқи алломалари юнонлар маданияти, жумладан, фалсафасини тадқиқ қилиб, шарҳлаб, ундаги ғояларни ижодий ривожлантирган бўлсалар, XVII аср охири – XIX аср бошларида Ғарбда Шарқ оламига қизиқиш шу даражада ортиб кетдики, тадқиқотчилар айнан шу даврни “Ғарбдаги Шарқ ренессанси даври”, яъни Шарқ классик адабиёти ва илм-фанининг Ғарбдаги ренессанс даври маъносида қўллашади [1. Б. 22] ёки “Ориентализм”, яъни Шарқ экзотикасига қизиқиш романтикларнинг ижодий илҳом манбаи бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бунинг натижасида XVII–XVIII асрлар Ғарбда филоориенталистик оқим шаклланиб, унинг юксак намуналари яратила бошланди. Франсуа Вольтернинг Шарқона драматургияси, Шарль Луи Монтескьёнинг “Форс хатлари”, Иоганн Готфрид Гердернинг “Халқлар овози”, Иоганн Вольфганг фон Гётенинг “Ғарбу Шарқ девони”ни бунга мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

Хусусан, Олмон мумтоз даври файласуфлари ўз асарларида гўзал Шарқ олами ва Ислом динини юксак даражада қадрлаганини ифодалайдилар. Айниқса, Иоганн Гёте. У хатларининг бирида протестантлар гимназиясида бўлиб ўтган мусулмонлар маросимида қатнашгани ва у ерда “Қуръони Карим”дан хабардор нозик меҳмон сифатида ўқ-ёй билан тақдирланганини фахрланиб ёзади, бу

воқеадан сўнг бир қанча диндор хонимлар кутубхонадан Қуръонга буюртма ҳам берганларини эслайди. Ёки “Ғарбу Шарқ девони”ни олайлик, унда Гёте очиқдан-очиқ Исо (а.с.)ни насронийлар нуқтаи назардан тушунилишни инкор қилади, бунга қарама-қарши ўлароқ Худонинг ягоналиги ва Муҳаммад (с.а.в.)нинг пайғамбарлиги ҳақидаги маълумотни келтиради. Шу сабабли ҳанузгача Гёте исломни қабул қилганлиги тўғрисида баҳс мунозаралар давом этмоқда.

Шарқ ҳақида Олмон мумтоз даврининг буюк вакили Георг Вильгельм Фридрих Гегель: “Фалсафа каби фан ва санъат варварлар ҳукмронлиги сабаб таназзулга учради, улар араблар томон ўтиб, у ерда гуллаб-яшнади ва энг яқин макон сифатида Ғарбга ҳам айрим билимлар кириб кела бошлади, шунинг учун араб фалсафаси ва фани мавжуд эди” [2. Б. 105], деб ёзади.

Олмон мумтоз даври эстетикаси асосчиси Иммануил Кант Готфрид Гердер билан бўлган баҳсида Ибн Рушднинг “...ҳар биримизда индивидуал руҳдан ташқари, умумий руҳ ҳам мавжуд бўлади” [3. Б. 60–61] деган ғоясини юксак баҳолаган. Бизнингча, Кантнинг трансцендентал таълимоти асосида ибн Рушднинг айнан мана шу ғояси ётади. Файласуфнинг трансценденталлик: “...индивидуал хусусият, у инсонга эмас, бутун инсониятга нисбатан индивидуал бўлади” деган таърифи фикримизга яққол далилдир. Бироқ Кант Шарқни улуғлаш ва кўкларга кўтариш йўлидан бормайди. Аксинча, у “Фалсафа тарихи ҳақидаги қисқача очерк”ида “форслар ва арабларда ақлни муайян маънода спекулятив қўллашга ҳаракат қилинганлиги кўринса-да, унда ва Зороастрнинг “Зендавеста”сида фалсафанинг изини ҳам топиб бўлмайди” дея салбий баҳо беради. Аммо энг қизиғи шундаки, биз Иммануил Кант ижодида, айниқса, унинг эстетик қарашларида мусулмон Шарқи алломаларининг фикрларига муштарақликни кузатамиз.

Биринчидан, Кант, ғарб олимлари эътирофига кўра, Коперник ўзининг гелиоцентрик назарияси билан олиб қўйган антропоцентризмни илм-фан ва инсониятга қайтариб берди. Яъни, Кант сайёралар Ер атрофида айланиши муҳим эмас, аслида барча нарса ва ҳодисалар Инсон атрофида воқе бўлади, улар унинг ақл тафаккури ва идроки маҳсули ҳисобланади. Сайёралар ҳам ҳатто Ер ҳам инсон атрофида ва инсон учун айланади, деган фалсафий ғояни илгари суради ва Ғарбда машҳур файласуфга айланади.

Бироқ бу Шарқ учун янгилик эмас эди. Мусулмон мутафаккирлари таълимотларида Инсон зоти ниҳоятда улуғланиб, биргина тасаввуф мисолида у ўзининг ноёб ақлию шуурий потенциалини англаб етиш ва комилликка интилиш имкониятларига эга эди. Бошқача қилиб айтганда, Кантнинг ўзи “Коперникона тўнтариш” деб номлаган инқилоб Ислом метафизикаси постулати, яъни “олам иллюзиялардан иборат”лигини, унинг ўткинчи ва ўзгарувчанлигини асослаш орқали амалга оширилган.

Иккинчидан, Иммануил Кант эстетик қарашларининг бошқа Ғарб файласуфлари, хусусан, олмон файласуфлари қарашларидан фарқ қилган жиҳати шуки, у соф гўзалликнинг тўрт хил белгисини келтириб, улар орасида беғаразлик, манфаатсизлик хусусиятига алоҳида урғу беради. Лекин Имом Ғаззолийнинг қадриятлар иерархиясида Оллоҳга муҳаббатдан кейинги иккинчи ўринни эгаллайдиган “гўзалликка муҳаббат”нинг беғаразлиги Шарқда XII асрдаёқ асослаб берилган. Кант бу ҳақда XVIII асрда айтаяпти. Олмон файласуфининг гўзаллик мақсадсиз мақсадга мувофиқ бўлиши ҳақидаги қарашлари эса Абу Наср Форобийнинг барчамизга маълуму машҳур “Фозил одамлар шаҳри” асарининг “Оллоҳни зикр этиш баёни” бандида батафсил ёритилади.

Учинчидан, маълумки Кант эстетикасини гўзаллик (соф гўзаллик) ва улуғворлик (соф улуғворлик) категорияларининг кенг талқини ташкил қилади. Улар билиш ва ахлоқ ўртасидаги кўприк сифатида хизмат қилади. Кантнинг улуғворликнинг математик ва динамик турларга бўлиниши ҳақидаги ёки улуғворлик табиатда бўлмайди, биз гўзалликни ўзимизнинг юксак ғояларимиз, ахлоқий-эстетик идеалларимиз, орзуларимиз асосида ақл ва тасаввур қилиш қобилиятимизни ишга солиб идрок қиламиз, яъни улуғворликни табиатдан эмас, ўзимиздан излашимиз керак, деган

фикрлари айниқса аҳамиятлидир. Хусусан, Кант соф улуғворликни таърифлашга ҳаракат қилар экан, у ёввойи табиатда ҳам бўлади, ҳатто ҳеч ким эътибор бермайдиган ўсимлик ёки ўта кўзга кўринмас даражада кичик бўлган бирор мавжудотни кўрганда, унинг шаклига номуносиб бўлган глобал аҳамияти олдида ожиз бўлган инсонни қалбан ўзига тортади, мафтун қилади унга мутлақо маълум бўлмаган бу мавжудот ғаройиб бир завқ беради [4. Б 77], деган фикри жуда қизиқ. Чунки биз ҳозирги кунларда ҳам улуғворлик деганда, буюк ва улкан нарсаларни, тасаввур этиш даражамиздан ортиқ ҳажм ва миқёсга эга бўлган ҳодисаларни назарда тутамиз, лекин бунинг акси ҳам бўлиши мумкин экан. Аслини олиб қараганда, файласуф биз унутаёзган, ислом эстетикаси, хусусан, тасаввуфдаги борлиқда мавжуд бўлган ҳар бир нарса-ҳодиса гўзалдир, унинг ўзи ва бажараётган роли арзимас даражада кичик бўлса ҳам, ўз асосига кўра универсал илоҳий улуғворликка эга, чунки Унинг заррасидир, тезисини ёдимизга солади. Демак, Е.А.Фролова ҳам “Кант таълимоти тасаввуфий мистик қарашларининг аниқ ечимини беради” [5. Б. 74], - деб бежизга айтмаган экан. Ёки Муҳаммад Амин Абдуллоҳни олайлик. Асли туркиялик бўлган бу олим инглиз тилида “Кант ва Ғаззолий” номли, мутафаккирлар ҳаёти ва фалсафий қарашларининг қиёсий таҳлилига бағишланган китобини ёзади. Асарнинг муқаддимасида: “уларнинг қарашлари муштарак, мақсад-муддаоси спекулятив метафизикани тизимлилик билан инкор қилишдан иборат, фақат Кант концепцияси рационал, Ғаззолийники иррационал (диний), Кант бунда аналитик методдан кенг фойдаланади, Ғаззолий гипотетик методдан” [6. Б. 89] деган хулосага келади.

Инсоният эстетик тажрибаси бой ва хилма-хилдир. Эстетик билим асослари тарихнинг энг қадимги даврларга бориб тақалади. Унга мурожаат қилар эканмиз улар инсоннинг атрофолам билан эстетик муносабатга киришуви натижаси экани, инсоният тадрижий тараққиёти жараёни билан узвий алоқадорликда ривожланганига амин бўламиз. Ҳануз давом этаётган бу жараёнда инсон янги гўзалликларни пайдо қилишдан чарчамаётир. У асрлар давомида эстетик дид мезони, эстетик завқ, у ёки бу асарнинг эстетик ютуқларини, бошқача қилиб айтганда – эстетик муаммоларни ҳал қилиш устида бош қотириб келмоқда. Бунда инсон қайси объектга дуч келмасин, ўша унинг тадқиқот объектига айланиб боряпти. Уларни ҳар томонлама ўрганар экан, ўзининг ҳаётий тажрибаси ва билимига асосланиб, муҳим ҳаётий манба сифатида гўзаллик ва улуғворлик эстетик завқ предметигина эмас, балки ҳаёт маъносини англаб етиш воситаларидан бири сифатида хизмат қилишини айтади. Буларнинг барчаси эстетика фанига бўлган эҳтиёжни кучайтирди, унинг доирасига кирувчи масалаларни талқин қилиш заруратини ҳис қилишига, унинг шаклланиши ва босқичма-босқич ривожланишига олиб келди.

Ислом эстетикасида гўзалликка ва уйғунликка эҳтиёж инсон табиатининг асосий қонуниятларидан бири бўлиб, унинг келиб чиқиши Илоҳий асосга бориб тақалади. Шарқ фалсафаси вакиллари гўзал ва улуғвор инсон тимсолида билимли, доно, бахтли, изланувчан, яратувчан, ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракатини эзгуликка буйсундирувчи комил инсонни кўрадилар. Бунда аждодларимиз эстетик тарбияга алоҳида аҳамият берганлар. Чунки у ҳам жисмоний, ҳам ақлий, ҳам ахлоқий тарбияни ўзида мужассам қилган. Жумладан, Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри” асарида нафосат ва ахлоқ тарбиясига алоҳида эътибор қаратади: “Агар инсонда гўзал хусусиятлар ёки фазилатлар уйғунлашса, шундан сўнг у ўзидагидек гўзал фазилат ҳамда иродани халқлар ва шаҳар аҳлларида ҳосил қилиш йўлини ўрганиши керак. Лекин халқлар ва шаҳар аҳлларида ҳосил қилиш учун инсондан зўр куч ва қудрат талаб қилинади. Бу эса икки йўл: таълим ва тарбия йўли билан ҳосил қилинади” [1. Б. 184].

Ҳозирги кунда эстетика фани табиат, санъат, техника, тиббиёт, турмуш, меҳнат, спорт ва ижтимоий муносабатлар эстетикасида ўз диққатини гўзаллик ва улуғворликнинг намоён бўлиш шаклларига эътибор қаратар экан, уни инсониятга нафосатни ҳис этиш ва қадрлашни ўргатувчи эстетик дид ва тубан дид (дидсиз инсон бўлмаслиги нуқтаи назаридан) ҳақидаги

фан деб сифатлашимиз мумкин бўлади. Дид ахлоқ билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳолда юксак эстетик дид деб номланишга муносиб. Юксак эстетик дид инсонлар ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий муносабатларни бошқариш ва ривожлантириш хусусиятига эга. Ҳар қандай мамлакат илм-фан ва техника соҳасида, ижтимоий-иқтисодий муносабатларда эришган ютуқлари ва юксак тараққиёти халқининг эстетик дунёқараши билан параллел нисбатланади.

Таъкидлаш лозимки, Шарқ халқлари "қадимдан гўзаллик ва эзгулик бир бутунлиги қонуни бузилган жойда, вайроналик, ёвузлик ва хунуклик дунёси бошланишига" [1. Б. 111] ишонган. Илм-фан ва техника тараққиётини фаровон ҳаётнинг гарови деб билган айрим ғарбликлар айни ҳақиқатни энди англаб етмоқда. Лондон Миллий кутубхонаси Шарқ бўлими мудири, таниқли инглиз шарқшуноси Абу Бакр: "Шубҳасиз, Ғарб ҳазора (цивилизация)си инсонни шараф ва чиройдан маҳрум этади!" деган эди. Унга эътироз билдиришади: "Шарафдан маҳрум этишига-ку, рози бўламиз, аммо чиройни йўқ қилиши қандай бўлди? Инсоният уни гўзалликка эътибор қилган энг ажойиб ҳазора деб билишади. Табиат гўзаллиги, уйлар, шаҳарлар гўзаллиги, аёл чиройи!" Олим эса шундай жавоб беради: "Лекин у руҳ чиройига, фитрий завқ ва гўзал хулққа барҳам беради" [5. Б. 6].

Кантнинг назарий ақлдан юқори турувчи, тафаккур билан эмас, балки инсон қалби, эътиқоди ва абадийят ғоялари билан боғлиқ инсоннинг *априор* қобилияти ҳақидаги фикрларини Абу Наср Форобийда учратамиз, аллома инсонни ғизоланувчи куч бошқаради, унинг маркази эса қалбда бўлади, деб ёзади.

Кант мулоҳаза қилиш усулларини иккига бўлади. Булар аниқловчи (мантиқий) мулоҳаза ва рефлекторловчи мулоҳазалардир. Хусусан, гўзаллик ва улуғворлик каби эстетик категорияларни мулоҳаза қилаётганимизда биз беихтиёр рефлекторловчи мулоҳазани қўллаймиз. Рефлекторловчи мулоҳаза билиш билан мослашади. Масалан, берилган жисм ҳақида: "бу катта предмет экан" деб айтсак, бу математик аниқлаш бўлмайди, аксинча, бу предмет тасаввури ҳақидаги соф рефлекторловчи мулоҳаза бўлади. Бу катталикни аниқлашда билиш қобилиятларимизнинг субъектив мақсадга мувофиқ қўлланишини кўришимиз мумкин. Кант фикрича, бундай ҳолларда биз тасаввур билан ўзига хос хайрихоҳликни ҳам боғлаймиз экан. Барча нарсаларнинг катта ёки кичиклиги ҳақида мулоҳаза қилиш мумкин. Ҳатто гўзалликни ҳам катта ёки кичик деб айтамиз-ку, бунинг сабаби, мушоҳадада нимани тасвирлашимиздан (эстетик тасаввур қилишимиздан) қатъи назар, у ҳодиса деб айтилади, демак, у катталикка эга.

Агар объектни шунчаки катта эмас, балки мутлақо катта деб айтсак, у улуғворлик ҳисобланади. Дарҳақиқат, улуғворлик ҳажм ва миқёс жиҳатидан солиштирилганда ҳамма нарсадан катта, буюк ва улуғ бўлган ҳодисадир. Улуғворлик мулоҳазасида унга мос келувчи ҳажм, миқёсни (масштабни) объектдан эмас, шундай мулоҳазани билдирган одамдан излаймиз. Чунки рўпарамиздаги катталик фақат ўзига тенг бўлган катталик ва у ўз-ўзича улуғворлик мулоҳазасини келтирмайди. И.Кант "улуғворликни табиат объектларидан эмас, балки ўзимизнинг ғояларимиздан излашимиз лозим" [3. Б. 86] деб бежиз айтмаган. Улуғворлик бу – солиштирилганда қолган ҳамма нарса кичик бўладиган нарса. Улуғворлик мулоҳазасида тафаккур қалб қобилиятлари – ҳиссиётлардан қай даражада устунлигини кўрсатади.

Кант улуғворликни гўзаллик категорияси билан солиштириб, улардаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни аниқлайди. Жумладан, гўзаллик ва улуғворлик ўртасидаги ўхшашлик иккисининг ҳам ўз ҳолича (манфаатсиз) ёқавериши билан белгиланади, шунингдек, улар мантиқий мулоҳазани эмас, рефлексия мулоҳазасини талаб қилади. Бу хайрихоҳлик тасаввур қобилияти билан боғлиқ бўлгани учун уларга хайрихоҳлик ёқимлиликка, фойдалиликка ёки бошқа бир тушунчаларга асосланмайди. Иккала мулоҳаза бирликда (бир субъект томонидан) амалга ошади, аммо ҳар бир субъект учун аҳамиятли бўлишга даъвогарлик қилади. Гўзаллик идрок тушунчаларини ифодаласа, улуғворлик ақл тушунчаларини ифодалайди. Биринчи ҳолатда хайрихоҳлик сифат билан боғлиқ, иккинчи мисолда хайрихоҳлик ҳажм,

миқдор билан боғлиқ. Иккинчи хайрихоҳлик (улуғворлик)нинг биринчи хайрихоҳликдан (гўзаллик) характерли фарқловчи жиҳати шуки, гўзаллик жозибадорлик билан мослашади, у тасаввур ва идрок ўйинидан иборат ва натижада инсонда ҳаётий фаолликнинг кучайишига олиб келади. Улуғворликда эса ҳаётий фаолликнинг маълум бир муддатга тўхтаб қолиши ва ундан кейин кучли тўлқинланиш каби рўй берадиган ҳиссиётларнинг катта оқими билан инсон қалбининг “тўлиб-тошиб кетиш”и кузатилади. Бу энди тасаввур ва идрок ўйини эмас, балки ақлнинг жиддий меҳнати натижаси ҳисобланади. Улуғворлик, гўзалликдан фарқли, жозибадорлик билан мослашмайди. Бунда қалб предметга интилмайди, ундан маълум муддатга ўзини олиб қочади. Улуғворликнинг гўзалликдан ички фарқи ҳам бўлиб, бу табиат гўзаллиги мақсадга мувоффиқликдан иборат, бунда предмет худди олдиндан бизнинг мулоҳаза қобилиятимизга мўлжалланганидек бўлади, шунинг учун хайрихоҳлик предмети сифатида идрок этилади. Аммо бизда тафаккурсиз, бир қарашдаёқ улуғворлик ҳиссиётини уйғотадиган ҳодиса мақсадга номувофиқ бўлиши мумкин, ўз-ўзимизга уни тасаввур қилишга қодир эмасдек кўринамиз. Шу нуқтаи назардан предметни улуғвор деб айтсак, нотўғри бўлади. Уни “гўзал, аммо улуғворлик ҳиссиётини юзага келтирадиган предмет деб айтсак, тўғрироқ бўлади” дейди Кант. Биз фақат мазкур предметни улуғворликни тасвирлашга лойиқ деб айтишимиз мумкин, улуғворлик қалбан билинади, у бирор бир ҳиссий шаклда бўлмайди ва фақат ақл ғояларига тааллуқлидир. Улуғворлик ҳиссий билиш мумкин бўлган номутаносиблик туфайли қўзғалиб, қалбга кириб боради. Улкан, дарғазаб ва ваҳимали тўлқинланувчи уммон улуғворлик объекти бўлмайди, чунки бу манзара даҳшатнинг ўзгинаси. Аммо мушоҳадада уммон улуғворлик ҳиссиётини пайдо қилади. Улуғворлик ҳиссиётини ҳис қилиш учун қалб шундай юксак ғояларга эга бўлиши керак бўлади” [7. Б. 82].

Улуғворлик дид (гўзаллик) мулоҳазаси каби тўрт сифати бўйича ўрганилади. Бундан ташқари улуғворлик гўзаллик муҳтож бўлмаган динамик ва математик бўлинишга эга. Улуғворлик тасаввур воситасида билиш қобилияти ёки хоҳиш билан билан боғланади. Иккала ҳолатда ҳам мақсадга мувофиқлик ҳақидаги мулоҳаза шу қобилиятларга нисбатан чиқарилади (мақсадсиз ва қизиқишсиз). Биринчиси (билиш) тасаввурнинг предметга математик ёндашганлигини, иккинчиси (хоҳиш) динамик ёндашганлигини акс эттиради. Шунинг учун предмет икки хил улуғворликни тасаввур қилишга имкон беради.

Шундай қилиб, улуғворлик деб объектни эмас, рефлектив мулоҳаза тасаввури юзага келтирган руҳий кайфиятга айтамиз. Улуғворликни тафаккур қилганимизда, қалб қобилиятининг ҳар қандай ҳиссиётлар масштабидан узилиб кетиши мумкинлигига амин бўламиз.

Кант математик улуғворликка қуйидагича таъриф беради: “Маълумки, катталикни рақамлар билан аниқлаш (алгебрада белгилар билан), математик аниқлаш дейилади. Катталикни шунчаки, мушоҳадада, фикран аниқлаш эса эстетик аниқлаш ҳисобланади. Бирор нарсанинг ҳажмини (катталигини) аниқлашда биз (чексиз) рақамларни қўллаб, ўлчов бирлигидан фойдаланамиз. Маълумки, ҳар қандай мантиқий ҳисоб математик ҳисоб саналади. Бироқ математикада ўлчов бирлиги рақамлар билан ифодаланиши керак ва ўлчов бирлиги маълум бир катталикда бўлса, бу рақамлар билан аниқланади.

Кант фикрича, мушоҳадада асосий ўлчов бирлигини аниқлаш, бевосита объектни илғаш ва тасаввур қилиш билан амалга ошади. Бу рақамли тушунчалар тасвирланишида ҳам қўлланилади. Бошқача қилиб айтганда, табиат предметларининг ҳажмини объектив эмас, субъектив аниқлаш эстетик англаш бўлади.

Объектни математик аниқлашда энг катта катталик бўлмайди (чунки улар чексиз), энг катта катталик, мутлақ ўлчов бирлиги сифатида қаралса, эстетик англаш бўлади. У ўзида улуғворлик ғоясини касб этади ва математик ҳисоб-китоб қодир бўлмаган, таъсирчанликни юзага келтиради. Кант фикрича, математик ҳисоб ўхшаш катталикларни солиштириб, улардан нисбий катталикни чиқаришдир. Эстетик англаш эса мушоҳадада қалб илғаши мумкин бўлган даражада мутлақ катталик-

ни аниқлашдир. Бирор катталикни мушоҳада қилиб, уни эстетик англаш учун икки босқичдан ўтиш керак: илғаш ва бирлаштириш.

Дастлаб, илғаш осон кечади, чунки у чексиз давом этиши мумкин. Аммо у олдинга интилгани сари, бирлаштириш қийинлашаверади, ҳиссий мушоҳада этилган тасаввуринг баъзи қисмлари, яъни бошида илғанган нарсалар илғашда давом этилгани сари, охирги максимумига – катталикни аниқлашдаги асосий эстетик ўлчовга етганда, йўқола бошлайди. У бир томондан, илғаб, бошқа томондан, йўқотиб бораверади. Ниҳоят, бирлаштирув тасаввур чегарасидан чиқиб кетмайдиган ўша катталикни қамраб олади. Буни генерал Саваринг, Миср эҳромлари ҳақида ёзган хотираларида ҳам кўриш мумкин: “Эҳромларнинг салобатини ҳис қилиш учун уларга жуда яқин бормаслик керак ва улардан жуда узоқ ҳам кетмаслик керак. Агар жуда узоқ кетилса, пирамидалар (бир-бирининг устига терилган тошлар сифатида), ғира-шира тасаввур қилинади. Агар жуда яқин келса, пирамиданинг асосидан то чўққисигача илғаш ва уни яхлитлигича идрок этиш учун кўзга узоқ вақт керак бўлади ва бу ҳақиқий эстетик завқ бермайди. Бунда одатдагидек тасаввур максимумига етгандан кейин олдин илғанган қисмлар тасаввурдан ўча бошлайди ва токи тасаввур бошқа қисмларини илғаб, бирлаштирмагунча эстетик англаш ҳеч қачон тўлиқ бўлмайди” [5. Б. 71].

Юксак эстетик даражада бунёд этилган қасрга кираверишда довдираш ёки ўзини йўқотиб қўйиш кузатилади. Бу одамда ўз тасаввурининг ақл ғоясига мос эмаслиги ҳиссиёти юзага келгани сабабли шундай бўлади. Мазкур ҳиссиёт одамнинг кўрган нарсасини тасаввур қилишига халақит бериб туради; тасаввур максимумига етади ва уни кенгайтириш мақсадида ўзига қайтади, бунда у хайрихоҳликни ҳис қилади.

Кант фикрича, улуғворликдан хайрихоҳлик энг кутилмаган жойдан келади. Биз объектни мушоҳада қилаётганимизда, номослик, аниқроғи, тасаввурнинг мулоҳаза қобилияти учун субъектив мақсадга номувофиқлигидан улуғворликка хайрихоҳлик юзага келади. Эстетик мулоҳаза соф бўлиши (ақл мулоҳазаси сифатидаги бирор телеологик мулоҳаза билан аралашмаган) ва эстетик мулоҳаза танқидига тўлиқ мос келиши учун улуғворликни санъат асарларидан (масалан, санъат даражасида қурилган бинолар, колонналар ва ҳ.) эмас, чунки унда шакл ва ҳажм одам мақсадига мувофиқ бўлади; табиий (табиат) нарсалардан ҳам эмас, чунки уларнинг тушунчаси ҳам маълум бир мақсадни назарда тутган бўлган (маълумки, ҳар бир ҳайвон ва ўсимликларнинг вазифаси бўлади), билъакс, улуғворликни ёввойи табиатдан топиш мумкин бўлади, чунки у ўз-ўзидан одамни жалб қилмайди, ҳаяжонга солмайди. Яъни бир қарашда ёввойи табиатда ҳеч нарса (ажойиблик ёки даҳшат) кўзга ташланмайди, аммо идрок қилганингиз сари тасаввур уни яхлит қилиб бирлаштира олса, у исталган даражагача кенгайиб бориб, улуғворлик мулоҳазасини ҳосил қилади.

И.Кант ***динамик улуғворлик*** ҳақида шундай мулоҳаза қилади. Табиатда динамик улуғворликни кўришимиз учун уни қўрқув уйғотадиган сифатида тасаввур қилишимиз керак. Аммо қўрқувни юзага келтирадиган ҳамма предметларни ҳам эстетик мулоҳазада, динамик деб, айтиб бўлмайди.

Эстетик мулоҳазада (тушунчасиз) тўсиқларни енгиб ўтиш қарама-қаршилик қилаётган томон даражасига қараб баҳо берилади. Биз қаршилик кўрсатмоқчи бўлган нарса, бизнингча, ёвузлик ва агар унга бас келмаслигимизни ҳис қилсак, у қўрқув предметига айланади. Эстетик мулоҳазада ўзини стихияларда намоён этувчи табиат кучи динамик улуғворлик сифатида кўриб чиқилиши мумкин, чунки у қўрқув предметини ҳосил қилади. Бироқ предметдан қўрқмасдан туриб уни қўрқинчли ҳисоблаш мумкин, унга қаршилик кўрсатишни назарда тутиб, аммо ҳар қандай қаршилик, беҳуда бўлса-чи? Масалан, солиҳ одам Худодан қўрқади, қўрқув ҳиссини туймаса, вақти келиб Худога ёки кўрсатмаларига қарши чиқиши мумкинлиги фикри уни қизиқтирмайди. Кант фикрича, ким қўрқувни ҳис қилса, табиатдаги улуғворлик ҳақида мулоҳаза қила олмайди, у мойилликлар ва хоҳиш-истаклар ҳукмронлиги остида бўлади. Кимдир ўзини қаттиқ ҳаяжонлантирган предметни кўришдан қочади. Аммо қўрқувдан қутилиш бунга бошқа ҳеч қачон дуч келмаслик аҳди билан боғлиқ хур-

сандчилик ҳиссини беради. Худди бошимиз тепасида осилиб, бизга хавф солаётган ваҳимали тоғлар, осмонни қоплаётган қора булутлар, вайронкор кучи билан вулқонлар ёки ўзидан кейин ҳеч нарсани қолдирмайдиган довуллар, безовта тўлқинланаётган чексиз уммон, юксакликдан тушаётган шаршара ва ҳоказолар бизнинг қаршилик кўрсатиш қобилиятимизни ўзининг кучи олдида арзимас бир нарсага ўхшатиб қўяди. Бироқ улар қанчалик қўрқинчли бўлса, шунчалик бизни ўзига тортади, албатта, биз хавфсиз жойда бўлсак. Биз бу предметларни бажонидил улуғворлик деб атаймиз, чунки улар бизнинг маънавий қудратимизни ўзининг одатдаги, ўртача даражасидан юксалтиради. Биз табиатнинг ҳукмрон кучи билан маънан синашишга имкон яратувчи, қаршилик кўрсатишнинг мутлақо янги турини кашф этамиз. Табиат улуғвор деб саналишининг сабаби фақат унинг қўрқув уйғотишида эмас, балки тасаввурни табиат билан солиштирилганда буюкроқ қилиб кўрсатувчи даражага кўтарганлиги билан улуғвордир.

Хайрихоҳлик ҳисси аслида бизга табиатан берилган, уни ривожлантириш ва машқ қилдириш ихтиёрий-мажбурий қилиб берилган. Бунда бир ҳақиқат яширинган, яъни инсон рефлексиясини шу даражагача олиб чиқмаганида, ўзининг кучсизлигини англамаган бўлар эди. Бу мулоҳаза тамойили кундалик ҳаётимизда ҳам учраши мумкин, аммо у ҳар доим ҳам англанмайди. Табиатда гўзал нарсалар жуда кўп деган фикрга ҳамма қўшилади, улуғворлик ҳақида эса ҳамфикрларни топиш қийин. Чунки буюклик ҳақида мулоҳаза қилиш учун нафақат юксак маданиятли эстетик онг, балки унинг асосида ётувчи билиш қобилиятига ҳам эга бўлиш керак. Қалбнинг улуғворлик ҳиссиётига мойиллиги ғояларга таъсирчанликни талаб қилади. Табиатнинг бу ғояларга номос келиши ва уни (табиатни) ғоялар учун жадвал сифатида идрок этишга ҳаракат қилиб, тасаввурнинг қаттиқ зўриқиши оқибатида, қўрқиш ва айни пайтда ўзига тортиш ҳолати юзага келади. Зеро, ақлнинг ҳиссиётлар устидан ҳукмронлиги мана шу номутаносибликда ифодаланади.

Шарқда оламни ўзгарувчан ва беқарор борлиқ сифатида билиш эстетик қарашларга таъсир этибгина қолмай, у санъатда ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топади. Бунда нисбийлик, шартлилик, тимсолийлик, аллегория муҳим аҳамият касб этиб, унга қарама-қарши парадокс сифатида эстетик қадриятлар ўзгармас, барқарор, мустаҳкам, ишонч ва абадийлик ифодаси сифатида намоён бўлади. Шарқ файласуфлари эстетик қарашларининг асосини ташкил қилган гўзаллик маиший қизиқишлардан ҳоли, воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг имманент хусусияти ҳисобланган, шунингдек, ҳақиқатга (Ғаззолий) ва бахтга (Форобий) эришиш воситаси сифатида ҳам хизмат қилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, инсониятнинг келажаги унинг эстетик ва ахлоқий жиҳатдан тараққий этиши даражаси билан узвий боғлиқ, бунда миллий ва умуминсоний қадриятлардан баробар фойдаланиш долзарб аҳамият касб этади. Хусусан, Кант эстетик қарашлари Ислом Шарқи ва Ғарб олами ўртасидаги фаол ва самарадор мулоқот натижаси, турлича ғоялар тўқнашуви, интеллектуал ютуқларининг ажойиб синтези бўлиб, илмсеварлик ва инсонпарварлик шиори остида асрлар оша бутун башариятни маънавий камолот сари етаклашга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. *Форобий А.Н*. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 320 б.
2. *Мубашшир А.* М. Ислом ҳазораси. – Тошкент: Моваруннаҳр, 2004. – 160 б.
3. *Афасижев М.Н.* Эстетика Канта. – Москва: Наука, 1975. – 136 с.
4. *Кант И.* Пролегомены ко всякой будущей метафизике, могущей пользоваться как наука // В кн.: Трактаты. – Спб.: (Серия «Слово о сущем»). 1965. – 377 с.
5. *Фролова Е.А*. История арабо-мусульманской философии / В кн.: Средние века и современность. Учебное пособие. – Москва: ИФ РФН, 2006. – 199 с.
6. *Узланер Д.А.* Постсекулярное пять сюжетов, 2012. Интернет ресурс. URL: http://www.isras.ru/abstract_bank_congress4/790.pdf (дата обращения: 02.06.2020).

7. *Асмус В.Ф.* Немецкая эстетика XVIII века. – Москва: Искусство, 1962. – 311 с.
8. *Кант И*. Религия в пределах только разума. – Москва: Ювента, 1996. – 414 с.
9. *Виндельбанд В*. К столетнему юбилею Канта /Пер. с нем. М.Григорьева // Образование. – СПб., 1904. – № 3. – С. 104—116. Интернет ресурс. URL:http://hdl.handle.net/11701/24056 (дата обращения: 01.02.2020)
10. *Султонов А*. Маданий тараққиётнинг янги фалсафий парадигмаси// The Light of Islam, 2019. – № 4. – Б. 199–206. Интернет манба. URL: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss4/25. (Мурожаат этилган сана: 23.04.2020)
11. *Ғаззолий А.Ҳ.* Ихё улум ад-дийин (Муҳаббат, завқ, шавқ, унс ва ризо). – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. – 137 б.

ANALYSIS OF ETHICAL AND AESTHETIC CATEGORIES IN THE VIEWS OF WESTERN AND EASTERN SCIENTISTS

(In the example of the views Immanuil Kant and of Abu Khamid)

F.G‘. Bozarova[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2021. 5(57). 13-21

[1]Al-Bukhari University, Tashkent, str., Shota Rustaveli, 154 A-house. Uzbekistan). E-mail: albukhariuniversity@g/mail.com.

Keywords: *transformation, human, religion, morality, faith, categorical imperative, pure reason, practical reason, apriori and posteriori knowledge, ethical law, ethical duty.*

This article examines the manifestation of cross-culture in the philosophical and religious views of Western and Eastern scientists. The analysis of religion as the basis of human perception of the world, which is manifested in a variety of forms, is carried out. In particular, as true faith in the supernatural ideal, the Creator of the universe and at the same time its patron, dogmatic among official Ministers of religious worship and constantly fluctuating between faith and disbelief. And the specifics of the religious theories of Western and Eastern scholars, such as I. Kant, Ibn Rushd, Gazzali, and others, are related to the solution of many fundamental issues in this sphere. In Kant’s theory it has been revealed that aesthetic pleasure based on art is based on refined, pure beauty and majesty. It is also based on a philosophical-aesthetic and phenomenological approach to the stabilization and management of axiological, psychological, self-awareness, interpersonal and institutional relationships. Sometimes too heavy for the human mind. As a result, they have surprised and continue to amaze the world’s minds, as well as contribute to the emergence of discussions in the scientific and religious community of the world for more than two hundred years. This concerns the principle of God’s creation of the world, the attitude of the Almighty to what is happening in the world, good and evil, the fate of man, and many others. To understand the essence of these phenomena, Kant believes that it is necessary and possible for the mind to go beyond the limits of possible experience. Which he formulates as a set of antinomies of religious consciousness. According to the views of the above-listed philosopher, the highest instance of religion and religiosity is the mind, which is crucial in the theory of the transcendent consciousness. The mind as the ability to combine, bring into the system all that can be comprehended, thought. In particular, Kant believed that reason seeks to implement “ the systematicity of knowledge, i.e., the connection of knowledge according to one principle.” The purpose and meaning are determined only in the system, and the reason is at once both the ability and the requirement of the system. This article provides a philosophical analyses of the views of Eastern philosophers on this issue.

References:

1. Forobiy, A.N. (1993) Fozil odamlar shahri [Sity of wise people]. Tashkent: Yangi asr avlodi.
2. Mubashshir, A.M. (2004) Islom hazorasi [Civilizatsion of Islam]. Tashkent: Movarounnahr.
3. Afasizhev, M.N. (1975) Estetika Kanta [Aesthetiks of Kant]. Moscow: Nauka.
4. Kant, I. (1965) Prolegomeny ko vsyakoj budushchej metafizike, mogushchej pol'zovat'sya kak nauka [Prolegomena to any future metaphizik that can be used as a science]. In: Traktaty. Sankt-Peterburg: (Seriya «Slovo o sushchem»).
5. Frolova, E.A. (2006) Istoriya arabo-musul'manskoj filosofii [History of Arab-Muslim philosophy]. In: Srednie veka i sovremennost' [Middle Ages and Modern Times]. Moscow: IF RFN.
6. Uzlaner, D.A. (2020) Postsekulyarnoe: pyat' syuzhetov [Post-secular: five plots]. [Online]. URL: http://www.isras.ru/abstract_bank_congress4/790.pdf (Date of access: 02.06.2020).
7. Asmus, V.F. (1962) Nemeckaya estetika XVIII veka [German aesthetics of the XVIII century]. Moscow: Iskusstvo.
8. Kant, I. (1996) Religiya v predelah tol'ko razuma [Religion whithin only reason]. Moscow: Yuventa.
9.Vindel'band, V. (1904) K stoletnemu yubileyu Kanta / Perevod s nemeckogo M.Grigor'eva // Obrazovanie. Sankt-Peterburg. No 3. Pp. 104-116. [Online]. URL: http://hdl.handle.net/11701/24056 (Date of access: 01.02.2020)
10. Sultonov, A. (2019) Madaniy taraqqiyotning yangi falsafiy paradigmasi [The new philosophical paradigm of cultural development]. *The Light of Islam*. No 4. Pp. 199-206. [Online]. URL: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss4/25. (Date of access: 23.04.2020)
11. G'azzoliy, A.H. (2005) Ixyo ulum ad-diyin (Muhabbat, zavq, shavq, uns va rizo). [Resurrection of the science of religion. Book of love, pleasure, consent] Tashkent: Movarounnahr.

Муаллиф ҳақида маълумот:
БОЗАРОВА Феруза Ғайбуллаевна – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Ал-Бухорий университети Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси доценти в.б. E-mail: musulmanova.feruza@mail.ru.